



АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон физик-талабалари ва ёш олимлар ассоциацияси ҳамкорлигида 2024 йилнинг 25 май куни **Ёш олимлар ва физик талабаларнинг IV Республика илмий анжуманини (ЁОФТРИА-IV)** ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси ёш физик-олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари ва ОТМ лардаги ёш олимлар ўртасида илмий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш.

Конференция қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

1. Яримўтказгичлар физикаси ва яримўтказгичлар материалшунослиги муаммолари.
2. Микроэлектроника ва электротехника муаммолари.
3. Фотоника муаммолари.
4. Муқобил энергия манбалари.
5. Қаттиқ жисмларнинг радиацион физикаси.
6. Конденсацияланган муҳитлар физикаси.

Маърузалар тезисларини расмийлаштиришга қўйилган талаблар:

Тезислар MS Word форматда, Times New Roman (12 пт) шрифтида, ҳажми 3 бетгача: юқоридан – 2 см; чапдан – 3,0 см; қуйидан – 2 см; ўнгдан – 1,5 см. Тезис сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ёзилади. Абзац: 1 см. Маъруза тезис матни 1,15 интервал оралиқ билан ёзилади. Асосий матн саҳифа кенглиги бўйича текисланади. Математик формулалар Equation дан фойдаланилган ҳолда киритилади.

Маъруза тезислари оригинал натижаларни акс эттириб, аввал чоп этилмаган бўлиши керак.

Маърузалар тезисларини **2024 йилнинг 15 майгача** бўлган муддатда ўзбек, рус ёки инглиз тилларида Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг расмий сайтига (<https://journal.ispm.uz/conference/Anketa.html>) электрон кўринишда юборишингизни сўраймиз. Талабларга мос келмаган, илмий янгилик ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган ҳамда кечиктириб жўнатилган маъруза тезислари қабул қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Энг яхши деб топилган маъруза тезислари Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг “Физика полупроводников и микроэлектроника” илмий журналида унинг талабаларига мосланган ҳолда нашр этилади.

Маъруза тезисларида берилган маълумотлар учун муаллифларнинг ўзлари жавобгардирлар. Анжуман ишида фаол қатнашган муаллифларга Сертификат берилади. Анжуман материаллари тўплами 2024 йил 25 май куни Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг (www.ispm.uz) расмий сайтига жойлаштирилади.

Мазкур анжуманда 40 ёшгача бўлган камида битта муаллиф иштирок этиши мумкин.

Анжуманда иштирок этиш bepул!

Конференция **2024 йилнинг 25 май куни соат 10:00** дан бошлаб Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг анжуманлар залида ўтказилади. Онлайн-режимда «Zoom» платформаси орқали иштирок этиш имконияти ҳам мавжуд (конференция «Zoom» ҳаволаси иштирокчиларнинг рўйхатдан ўтиш пайтида кўрсатган электрон почтасига юборилади).

Қўшимча маълумотлар учун маъсуллар: Файзуллаев Қаҳрамон (+998) 97 255 08 05,

Умаров Файзулла (+998) 93 429 67 34.